D.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: GD4670242681

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
BUXORO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
KOGON TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
200500 Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy,
Tel.: (998 65) 220-11-59, el. pochta: kogontyurmarkaz@adliya.uz

**2021-yil 29-iyun** **Kogon tuman Xalq ta'limi bo'limi**

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Kogon tuman Xalq ta'limi bo'limining **"MASTER BROTHER"** MCHJ bilan tuzilgan qurilish mahsulotlari yetkazib berish (shartnomaning umumiy bahosi 78342400so`m) shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Kogon tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 29-iyun 2022-yilda markazga kiritilgan.

Loyiha "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining 670-I-sonli qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Shartnomadagi moliyaviy masalalar ekspertiza predmetiga kirmaydi.

**Kogon tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshyuristkonsulti** **S.P.Asadov**

**Курилиш махсулотлари етказиб бериш**
**ШАРТНОМАСИ**

2022 й. «30» 6 — 2022-114-2-36-ХТ-сон — Kogon tumani.

Кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталадиган «MASTER BROTHER» МЧЖ компанияси номидан М.Шарипов устав/ишончнома/буйруқ ва х.қ.) орқали бир томондан, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб аталадиган Когон туман Халк таълими булими номидан З.М.Кобилов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «MASTER BROTHER» МЧЖ Когон туман Халк таълими булимига (кейинги ўринларда - "курулиш моллари" деб юритилади) етказиб бериш, "сотиб олувчи" эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

" курулиш моллари"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Сотиб олувчи"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

" курулиш моллари " "Сотиб олувчи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "курилиш молларини" етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "курилиш моллари" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "курилиш моллари" шунга ўхшаш "курилиш моллари" билан алмаштирилишини;
- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Сотиб олувчи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Сотиб олувчи"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган " қурулиш моллари"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

" қурулиш моллари"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берилган " қурулиш моллари" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Сотиб олувчидан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган " қурулиш моллари "ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Сотиб олувчи"дан талаб қилиш.

2.4. "Етказиб берувчи" қуйидагиларга мажбур:

"Сотиб олувчи"ка " қурулиш моллари"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Сотиб олувчи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

агар " қурулиш моллари "ни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Сотиб олувчи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 78 342 400 (Етмиш саккиз миллион уч юз қирқ икки минг тўрт юз) сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган "қурилиш моллари"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради.

Маҳсулот "Сотиб олувчи"нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

3.3. "Сотиб олувчи" етказиб бериладиган "қурилиш моллари" туркуми суммасининг 30 фоизи яъни 23 502 720 (йигирма уч миллион беш юз ики минг етти юз йигирма) сум миқдорида олдиндан 2022 йил июль ойида ҳақ тўлайди.

Етказиб берилган "курилиш моллари" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 10 кун муддатда узил-кесил якуний 70 фоизи яъни 54 839 680 (Эллик тўрт миллион саккиз юз ўттиз тўққиз минг олти юз саксон) сўм 2022 йил 31 декабргача ҳисоб-китоб қилинади.

3.4. Етказиб берилган "курилиш моллари" учун 78 342 400,0 сум пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Қурулиш моллари" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана " курулиш моллари "га ҳақ тўлаш бўйича "Сотиб олувчи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Сотиб олувчи"нинг розилиги билан "курулиш моллари" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Сотиб олувчи" томонидан қабул қилинган " курулиш моллари" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "курулиш моллари " ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. "Сотиб олувчи" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "курилиш моллари"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "курилиш моллари" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган " курулиш моллари" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган " курулиш моллари "нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "курилиш моллари" етказиб бериш "Сотиб олувчи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган "курилиш моллари" бевосита "Сотиб олувчи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган " курулиш моллари " миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Мазкур шартномада назарда тутилган "курилиш моллари" етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки "Сотиб олувчи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Етказиб берувчи" Сотиб олувчиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома "курулиш моллари"нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Етказиб берувчи"нинг ходими "Сотиб олувчи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. "Сотиб олувчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд " курилиш моллари "нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Етказиб берилаётган " курилиш моллари " сифати, миқдори "Етказиб берувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Етказиб берувчи" етказиб берилаётган " курилиш моллари "нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари "Сотиб олувчи"га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган " курилиш моллари "нинг сифати, ассортименти, навлари, техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган " курилиш моллари " қийматининг 20 фоизи миқдорида жирма тўлайди.

5.4. " курулиш моллари " етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи"ка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган " курилиш моллари "нинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Жаримадан ташқари, "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи"ка " курулиш моллари " етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.5. "Қурулиш моллари"ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи"ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган " қурилиш моллари " қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва " курилиш моллари " етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.6. Етказиб берилган " курилиш моллари " учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Сотиб олувчи" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. "Сотиб олувчи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Сотиб олувчи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Сотиб олувчи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Етказиб берувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

"Етказиб берувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Сотиб олувчи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Етказиб берувчи" томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-кисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий

мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

-бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман халк таълими бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ газначиликдан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга яъни 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: PZ43030233

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) "Сотиб олувчи" жойлашган жой бўйича Когон туман халк таълими булимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

**«Пудратчи»**
«MASTER BROTHER» МЧЖ

Манзил: Бухоро вилояти Пешкў тумани Янгибозор, Янгигул 116
тел\факс. +(998) 99-705-55-03

х\р. 20208840205380949001
Банк номи: ТРАСТбанк Бухоро филиали
МФО 01187 ИНН 308424613

Рахбар: ______ М.Шарипов (Ф.И.Ш.) имзо

М.у

"Буюртмачи"

**Когон туман Халк таълими булими**
(бюджет маблагларини олувчи номи)

манзили: Когон т. Б.Накшбанд МФЙ
тел\факс: 99865-527-61-28
ш\хв 100022860062197092100075025
ОКОНХ 90290 ИНН 201172872
Молия вазирлиги Газначилиги
ЯГХ: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар бошкармаси Ҳисоб-китоб касса маркази (ҲККМ)
МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: З.М.Кобилов
( Ф.И.Ш.)

М.у

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 108068 на приобретение Когон тумани Халк талимида курилиш моллари сотиб олиш

Способ проведения электронный

Дата 27.06.2022

Время рассмотрения 27.06.2022 13:41

Конкурсная комиссия Когон туман халк таълими бўлими марказлашган хисобхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QOBILOV ZAFAR MUZAFAROVICH | Мудир | Когон туман халк таълими булими марказлашган хисобхона |
| **Секретарь комиссии** | BEKMURODOVA DILNOZA DAVRON QIZI | Давлат харидлари буйича мутахасис | Мутахасис |
| **Член комиссии** | RAXMONOVA ZAMIRA SATTAROVNA | Мудир уринбосари | Когон шахар халк таълими булими марказлашган хисобхона |
| **Член комиссии** | SADULLAYEVA NODIRA FAYZULLAYEVNA | касаба уюшма рахбари | Когон туман халк таълими булими марказлашган хисобхона |
| **Член комиссии** | JO'RAYEV FERUZ IFTIXOR O'G'LI | Курилиш эксплуатация бош матахасиси | Когон туман халк таълими булими марказлашган хисобхона |
| **Член комиссии** | URUNOV SUNNATILLO AZIMOVICH | Методис психолог | Когон туман халк таълими булими марказлашган хисобхона |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.06.2022 года № лота 108068.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 150

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Штукатурка** |
|---|---|
| Подробное описание | Штукатурка кадокланган хар бир халтаси 25 кг дан |
| Количество товара | 160.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 37 500.00 |
| Стартовая сумма | 6 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Водоэмульсия** |
|---|---|
| Подробное описание | Водоэмульсия ок |

| | |
|---|---|
| Количество товара | 5 000.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 6 750.00 |
| Стартовая сумма | 33 750 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Строительная краска** |
|---|---|
| Подробное описание | краска половая |
| Количество товара | 680.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 21 200.00 |
| Стартовая сумма | 14 416 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Строительная краска** |
|---|---|
| Подробное описание | краска ок |
| Количество товара | 1 000.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 24 200.00 |
| Стартовая сумма | 24 200 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Талабгор моддий таъминланганлиги ва йиллик маблаг айланмаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Талабгор моддий таъминланганлиги ва йиллик маблаг айланмаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO Asia unversal productio** | 30 | 1 | 25 | Экспертная | | |
| **MASTER BROTHER MCHJ** | 30 | 1 | 24 | Экспертная | | |
| **MCHJ MEBART** | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Махсулотни етказиб бериш муддати

Тип: Бинарное значение

Описание: Махсулотни етказиб бериш муддати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Asia unversal productio | 30 | 1 | 21 | Экспертная | | |
| MASTER BROTHER MCHJ | 30 | 1 | 24 | Экспертная | | |
| MCHJ MEBART | 30 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иштирокчи корхонанинг мутахассиларининг иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг мутахассиларининг иш тажрибаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Asia unversal productio | 30 | 1 | 22 | Экспертная | | |
| MASTER BROTHER MCHJ | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| MCHJ MEBART | 30 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Махсулотларни уз вактида буюртмачига етказиб бериш учун транспорт воситалари

Тип: Бинарное значение

Описание: Махсулотларни уз вактида буюртмачига етказиб бериш учун транспорт воситалари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Asia unversal productio | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| MASTER BROTHER MCHJ | 30 | 1 | 25 | Экспертная | | |
| MCHJ MEBART | 30 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иштирокчи корхона хакида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувохнома, Низоми (устав), мавжуд сертификат лицензия ва умумий маълумотлари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO Asia unversal productio | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| MASTER BROTHER MCHJ | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ MEBART** | 30 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №6 Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги, мол-мулки мусодарага олинмаганлиги , ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги, мол-мулки мусодарага олинмаганлиги , ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO Asia unversal productio** | 30 | 1 | 18 | Экспертная | | |
| **MASTER BROTHER MCHJ** | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **MCHJ MEBART** | 30 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №7 Махсулотга бериладиган кафолат муддати

Тип: Бинарное значение

Описание: Махсулотга бериладиган кафолат муддати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO Asia unversal productio** | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **MASTER BROTHER MCHJ** | 30 | 1 | 23 | Экспертная | | |
| **MCHJ MEBART** | 30 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №8 Талабгорнинг омборида махсулот мавжудлиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Талабгорнинг омборида махсулот мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO Asia unversal productio** | 30 | 1 | 23 | Экспертная | | |
| **MASTER BROTHER MCHJ** | 30 | 1 | 24 | Экспертная | | |
| **MCHJ MEBART** | 30 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №9 Махсулот сертификати

Тип: Бинарное значение

Описание: Махсулотга расмий ишлаб чикарувчининг сертификати мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO Asia unversal productio** | 30 | 1 | 22 | Экспертная | | |
| **MASTER BROTHER MCHJ** | 30 | 1 | 28 | Экспертная | | |
| **MCHJ MEBART** | 30 | 1 | 16 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **OOO Asia unversal productio** | 78 366 000.00 | 70 860 000.00 | 23.06.2022 16:14:17 | 10.00 |
| **MASTER BROTHER MCHJ** | 78 366 000.00 | 78 342 400.00 | 24.06.2022 12:29:21 | 9.04 |
| **MCHJ MEBART** | 78 366 000.00 | 78 366 000.00 | 24.06.2022 12:38:43 | 9.04 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO Asia unversal productio** | 63.6669 | 10 | 73.6669 |
| **MASTER BROTHER MCHJ** | 69.3333 | 9.04491 | 78.37821 |
| **MCHJ MEBART** | 50.6664 | 9.04219 | 59.70859 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 108068 от 27.06.2022 года на приобретение Когон тумани Халк талимида курилиш моллари сотиб олиш определила победителем:

MASTER BROTHER MCHJ
308424613

и резервный исполнитель: OOO Asia unversal productio (301576714)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QOBILOV ZAFAR MUZAFAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | JO'RAYEV FERUZ IFTIXOR O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAXMONOVA ZAMIRA SATTAROVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | URUNOV SUNNATILLO AZIMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП